**2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили**

№10 (863)
2025 йил 11 февраль, сешанба

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.




***Янги Тошкентда 15 минг хонадон барпо қилиш кўзда тутилган. Бу уйларда “яшил” энергиядан фойдаланилади. Энергия барқарорлигини таъминлаш учун хусусий шериклик асосида 100 мегаватт соат сиғимли электр сақлаш қуввати ўрнатилади.***

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 23 январь куни ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан.


*Зафаробод кўрғони тараққиёт ҳудудига айланмоқда* ▶ 3


## 2024 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 1,6 баробарга ўсган

**Муҳтарама КОМИЛОВА,** ЎзА мухбири.

**Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Кимё саноатида 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан шу йил 6 февраль куни ўтказилган йиғилишда ҳам сўнгги йилларда бу тармоқда сезиларли ўзгариш бўлгани, янги технологик занжирларни яратиш учун инвестицияларга кенг йўл очилгани билан бирга, йирик кимё заводлари фаолияти ҳали замон талаблари даражасида эмаслиги қайд этилди.

Инвестицияларни кенг жалб этиш борасида Инвестициялар, саноат ва савдо, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Тоғ-кон саноати ва геология, Транспорт ва Энергетика вазирликлари томонидан ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2024 йилда 34,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш 1,6 баробарни ташкил этган. Йил якуни билан 50 та шаҳар ва туманларда 100 миллион доллардан ортиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2025 йилда эса 42,1 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган. Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 36,8 миллиард доллар режалаштирилган. Масалан, январь ойининг ўзида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар 3 миллиард долларни ташкил қилган. Шунингдек, бу йил қиймати 35,4 миллиард доллар 301 та йирик ва 8 мингта ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиб, улар ҳисобига 294 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилишида айтиб ўтилди. Унда Инвестициялар, саноат ва савдо, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Тоғ-кон саноати ва геология, Транспорт ва Энергетика вазирликлари томонидан инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш борасидаги ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, экспорт ҳажмини ошириш борасида ҳам муайян ишлар бажарилган. Жумладан, 2024 йилда республика экспорти 19,3 миллиард долларни ташкил этиб, 16 фоизга ўсган. Экспорт фаолиятига 3 мингдан ортиқ янги корхоналар жалб этилиб, экспортчилар сони 7 мингтага етган. Энг муҳими, 55 та давлатга 58 турдаги янги маҳсулотлар экспорт қилинган.

Йиғилишда Тоғ-кон саноати ва геология тизимида 2024 йилдаги инвестициялар ва 2025 йилдаги лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Маълум қилинишича, ўтган йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, вазирлик ва тармоқ корхоналари томонидан 60 та лойиҳа доирасида 3 582,5 миллион доллар (шундан 3 203,7 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит) инвестициялар ўзлаштирилган.

Бу йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, вазирлик ва тармоқ корхоналари томонидан 56 та лойиҳа доирасида 2 643,5 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Мунозаралар давомида депутатлар ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолаб, қулай инвестиция муҳити яратиш, инвестиция оқимини кўпайтириш, экспортга ишлаётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар бердилар.

## Пойтахтда чиқинди ташиш тизими рақамлашмоқда

**Эндиликда чиқинди йиғувчи барча махсустранс машиналарига GPS қурилмаси ўрнатилди. 2025 йилда “Махсустранс” ДУК қўшимча 60 та чиқинди йиғиш маркази қуради.**

Бугунги кунда Тошкентда 310 та чиқинди ташувчи махсус автомобиль бор. Чиқинди йиғиш марказлари кўп қаватли уйлар билан бирга ерли хонадонларга ҳам хизмат кўрсатади. Қайта юклаш шохобчаларига бир кунда 3 000-3 500 тонна чиқинди етказиб келинмоқда. Пойтахтнинг 3 та туманидаги шохобчалар орқали чиқиндилар ташқарига олиб кетилади.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида замонавий чиқинди полигони қурилиши якунига етди. Полигон Европа стандартларига жавоб берадиган Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг майдони 30 гектар бўлиб, унда метан газ йиғувчи қувурлар ва чиқинди суюқликларини тортувчи насослар мавжуд. Бу ерда чиқиндини қайта ишловчи завод ҳам фаолият бошлайди. Жорий йилдан бошлаб “Махсустранс” ДУК 24 соатлик иш режимига ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида*

## Соҳани ривожлантириш истиқболлари

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугунги кунда соҳаларни рақамлаштириш жамиятни янада такомиллаштиришда ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу муносабат билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида матбуот анжумани ташкил қилинди.**




▶ 2-бет


## Жанубий Корея тажрибаси ўрганилмоқда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассислари Жанубий Кореяда хизмат сафарида бўлиб, “Ўзбекистон шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш” ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинар-тренингда Кореянинг KICT институти билан тажриба алмашдилар.**



Ҳамкорликдаги тадбирларнинг илк кунида Кореяда сейсмик лойиҳалаш ва сейсмикага чидамли қурилиш материаллари, БИМ технологияларни қўллаш тенденциялари ҳамда миллий қурилиш нормаларини тизимлаштириш жараёнлари бўйича маърузалар ташкил этилди. Учаршув давомида сейсмик лойиҳа нормаларининг асоси, баланд биноларни лойиҳалашнинг нормалари ҳамда қурилиш жараёни ҳақида маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, мавзу доирасида ўтган қизғин муҳокамаларда соҳа мутахассислари ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам жавоб олишди.

## Вазирлик мутахассислари мунозара клубида

**Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биносида “Турар жой қурилишида аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш ва улуш киритиш тартибининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари” юзасидан мунозара бўлиб ўтди.**



Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, соҳа мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Мунозара клубида аҳолининг улуш киритиш асосида уй-жой сотиб олиш жараёнида ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, қурилиш компаниялари фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва соҳадаги шаффофликни ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

**Шунингдек, мунозара давомида “Фуқароларимиз уй-жой сотиб олаётганда қандай масалаларга эътибор қаратиши лозим ва улар қайси идоралардан ҳуқуқий маслаҳатлар олиши мумкин?” деган саволга Рақобат қўмитаси масъул ходими қуйидагича жавоб қилди:**

– Фуқароларимиз уй-жой сотиб олишда биринчи навбатда, қурилиш ташкилотининг барча ҳуқуқий ҳужжатларини синчковлик билан текширишлари лозим. Бунда компаниянинг лицензияси, QR кодли қурилиш рухсатномаси, “Шаффоф қурилиш” тизимида мавжудлиги, электрон реестрдаги ҳолати ҳамда қурувчининг олдинги лойиҳалари ва тажрибасига алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунингдек, бу жараёнда шартнома шартларини батафсил ўрганиш талаб этилади. Шартномада қурилиш бошланиш ва якунланиш муддатлари, фойдаланишга топшириш санаси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мажбуриятлар бузилганда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари, тўлов тартиби ва муддатлари, қурилиш майдони ўзгарганда қайта ҳисоб-китоб қилиш тартиби ҳамда форс-мажор ҳолатлари юзасидан келишувлар аниқ белгиланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Молиявий хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча тўловларни фақат расмий банк кассалари орқали амалга ошириш, тўловлар учун расмий ҳужжатларни сақлаб қўйиш ва нақд пул орқали тўловлардан қатъиян воз кечиш тавсия этилади. Зарур ҳуқуқий маслаҳатларни туман ва шаҳар адлия бўлимлари, давлат хизматлари марказлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамда малакали адвокатлар ва юридик маслаҳатхоналардан олиш мумкин.

**“Янги қурилаётган уй-жой массивларида мактаб, боғча, поликлиника ва жамоат транспорти етишмовчилиги аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, уй-жой қурилиши билан бирга ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг қандай самарали механизмларини таклиф этасиз?” деган саволга шундай жавоб берилди:**

– Бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Янги қурилиш нормалари ва стандартларида ижтимоий объектларнинг мажбурий равишда режалаштирилиши ҳам муҳим қадам ҳисобланади. Халқаро тажриба асосида бир қатор механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Сингарур тажрибаси – қурувчи компаниялар уй-жой лойиҳасини тасдиқлашдан олдин ижтимоий инфратузилмани қуриш бўйича мажбурият олиши лозим. Жанубий Корея тажрибаси – давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларни имтиёзлар орқали ижтимоий объектлар қурилишига жалб қилиш. Германиянинг “15 дақиқалик шаҳар” концепцияси – ҳар бир фуқаро яшаш жойидан 15 дақиқа масофада ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Япония тажрибаси – “Транзит-ориентед девелопмент” тамойилига кўра аввал транспорт инфратузилмаси яратилади, кейин эса уй-жой қурилиши бошланади.

Мамлакатимиз шароитида ҳудудий хусусиятларни инобатга олиб, маҳаллий ҳокимликлар томонидан инфратузилма объектларини молиялаштиришни ошириш, аҳоли сонига қараб ижтимоий объектлар қувватини белгилаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш каби чораларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (863) 2025 йил 11 февраль

# РАҚАМЛАШТИРИШ

## келажак бугун, биз билан бирга ёхуд беш йиллик фаолият сарҳисоби

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бошқа соҳаларда бўлгани каби бугун қурилиш-бунёдкорлик тизимида ҳам ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қурилиш жараёнларининг барча босқичида аҳолига қулайлик яратишга эришилмоқда.**



Дарҳақиқат, илгари қурилиш жараёнларида бир қатор қамчиликлар ва ноаниқликлар мавжуд эди. Тадбиркорлар қурилишга рухсат олиш учун маҳаллий ҳокимликлар ва давлат органларида соатлаб навбат кутар, камига бу жараёнда жуда кўп ҳужжатлар талаб этилар, сифат билан эса ҳеч ким қизиқмасди. Соҳада муаммо ва камчиликлар йилдан-йилга йиғилиб бораётган эди.

2017 йилдан мамлакатимизда қурилишни такомиллаштириш ва рухсат бериш тартибларини соддалаштириш чоралари кўрила бошланди. Бунда эса Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрда қабул қилинган “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, 2020 йил 8 февралда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази ташкил этилди. Натижада дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, амалиётда қўллаш, қурилиш лойиҳаларини мониторинг қилиш учун замонавий ечимлар ишлаб чиқилди. Қурилишда рухсатномаларни олишда электрон тизимлар қўлланила бошлагач, жараён тезлашиб, шаффофлашди ва бюрократик тўсиқлар камайди.

Бугунги кунда марказ қурилиш ва коммунал соҳаларни рақамлаштириш, коррупция ва бюрократияни камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йиллар давомида қуйидаги беш йўналишда 30 га яқин лойиҳа амалга оширилди:

– қурилиш соҳасидаги мутахассислар учун онлайн ўқитиш тизими жорий этилди. Ушбу тизим орқали тест ўтказиш ва сертификатлаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 2324 та сертификат берилди;

– қурилиш соҳасидаги давлат харидлари жараёнлари шаффофлаштирилди. Электрон тендер ва рейтинг платформалари коррупцияни камайтирди ва қурилиш соҳасида рақобатни оширди. Бу эса давлат объектларида ишлашга аниқ ва тўғри йўл очди;

– “Менинг уйим”, “Иссиқлик таъминоти биллинги” ва “Хавфсиз лифт” каби тизимлар орқали коммунал хизматлар осонлашди. 50 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар тизимга киритилди ва аҳоли коммунал тўловларни онлайн тўлаш имконига эга бўлди;

– қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасидаги 16 та давлат хизмати рақамлаштирилган. Бу аҳолининг вақт ва ресурсларини тежашига ёрдам беради, шунингдек, коррупциянинг олдини олади;

– қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартлар рақамлаштирилди. Бу қурилиш нархларини шаффофлаштиришга ёрдам берди.

Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қурилаётган объектлардан мулк харид қилиш имкони берилди. Тизимда рўйхатга олинган шартномаларга вазирлик кафил бўлиб, алданиб қолишларнинг олди олинмоқда. “Огоҳ фуқаро” ахборот тизими ҳам ишга тушди. Фуқаролар ноқонуний қурилишлар ҳақида тезкор хабар бериш орқали объектлар фойдаланишга топширилишидан олдин, қурилиш жараёни тугамасидан камчиликларни бартараф этиш имкони пайдо бўлди. Шунингдек, “Давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими, “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” ахборот тизими, “Қурилиш объектларининг очиқ маълумотлар” портали, “Менинг уйим” биллинг тизими кабилар ҳам аҳолига қулайлик яратиш учун яратилди.

Марказда амалга оширилган сўнгги янгиликлардан бири бу – қурилиш объектлари учун QR кодли паспортлар бўлди. Ҳозирги тезкор замонда кундалик ҳаётда биз ҳар куни QR код билан алоқадор вазиятларга рўбарў келамиз ва ундан унумли фойдаланамиз. Бирор ижтимоий тармоқдан фойдаланмоқчи бўлсак ёки дўкондан харид қилаётган вақтимизда ишимизни имкон қадар тез ва қулай битиришга ҳаракат қилишга одатландик.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида QR код паспорти қандай ишлатилади?

Сиз янги қурилаётган кўп қаватли уй харид қилмоқчисиз? Шаҳарсозлик ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилганига ишонч ҳосил қилмоқчисиз? Бироқ, ушбу кўп қаватли уйни қураётган қурилиш ташкилоти ҳақида маълумотга эга эмасмисиз? Суриштириш учун танишларингиз ҳам йўқми? Нима қилишни билмай иккиланиб қолдингизми? Энди ҳаммаси осон ва қулай. Ушбу ташкилий масалаларнинг ечими ва саволларнинг жавоби Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказида тайёрланган QR кодда жамланган. Қурилиш назоратидан рўйхатдан ўтган барча қурувчилар QR кодни бепул юклаб олади ва қурилиш бошлаган ҳудудга жойлаштиради.

Янги қурилаётган кўп қаватли уйнинг лойиҳаси учун шаҳарсозлик ҳужжатлари расмийлаштирилганми? Архитектура-режалаштириш топшириғи, Ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг хулосаси, Шаҳарсозлик экспертиза хулосаси, Ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида хабарнома, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМдан ижобий экспертиза хулосаси олинганми? Қурувчи корхона ишлаб чиқариш бозорида неча йил фаолият юритган, тугалланган лойиҳалари борми? Уй қачон битказилади?

Янги қурилаётган кўп қаватли уйлар билан боғлиқ ушбу саволларга QR кодни сканерлаш орқали жавоб оласиз. Тошкент шаҳрида синов тариқасида бошланган мазкур тизим яқин кунларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич жорий этилади.

Сўнгги беш йилда яратилган ушбу тизимлар ёрдамида қурилиш жараёнлари тезлашди, сифат яхшиланиб, одамларнинг вақти ва маблағи тежалмоқда. “Шаффоф қурилиш” МАТ келгусида ҳам Ўзбекистон қурилиш соҳасини дунё стандартларига мос даражага олиб чиқиш ва фуқаролар учун янада қулай имкониятлар яратишда давом этмоқда. Қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш мақсадида 2021 йилда яратилган “Рейтинг” ва “Тендер” электрон платформаси 2024 йилда янада такомиллаштирилди.

Хусусан, “Рейтинг” платформаси марказ томонидан ишлаб чиқилган ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг ишини автоматик баҳолашга йўналтирилган тизимдир. Бу платформа орқали қурилиш соҳасидаги 19,263 та ташкилотнинг фаолияти умумқурилиш ва ижтимоий объектлар, мелиорация ва ирригация, автомобиль йўллари ва кўприклар йўналишида баҳоланади. Платформада инсон омилисиз автоматик баҳолаш амалга оширилади, бу эса шаффофлик ва объективликни таъминлайди. Тизим ташкилотлар рейтинг натижаларини ошкор қилади. Бу, ўз навбатида, қурилиш соҳасидаги хуфиёна иқтисодиёт улушининг қисқаришига ва айланма маблағлар ҳамда махсус техникалар сонининг ошишига олиб келди.

“Тендер” платформаси эса давлат харидларини шаффоф ва автоматик ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу платформада иштирокчиларнинг маълумотлари автоматик равишда баҳоланади, тендерлар эса инсон омилисиз, объектив ва ошкора равишда ўтказилади. Платформа вазирликлар ва идоралар билан интеграция қилинган бўлиб, тендер жараёнида иштирокчи ташкилотларнинг барчаси тенг ҳуқуқли рақобат олиб боришини таъминлайди. Бугунги кунга қадар электрон платформа орқали 43,120 та тендер ўтказилиб, уларда 14,493 та ташкилот иштирок этди ҳамда 46,41 трлн сўмлик шартномалар тузилган.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги барча 16 та давлат хизматлари рақамлаштирилиши натижасида аҳоли ва бизнес эгаларига уйдан чиқмаган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатишда қоғозбозлик ва оворагарчиликка чек қўйилди. Бугунги кунгача қурилиш соҳасида давлат хизматларидан фойдаланиш учун 1135,5 дан ортиқ ариза келиб тушган бўлиб, улардан 758 мингдан кўпига рухсатнома ва ижобий хулосалар берилган. Давлат хизматлари соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниши натижасида қурилишга рухсат олиш жараёнидаги вақт тежалади. Агар илгари рухсатнома олиш учун бир неча ой кетган бўлса, ҳозирда бу муддат 25 кунга қисқарди. Бу ўзгариш ахборот тизимлари орқали хизматларнинг автоматизация қилиниши ва жадаллашиши туфайли амалга оширилган. Бу давлат хизмати тизимининг самарадорлигини ошириб, аҳоли ва бизнес субъектларига қулайлик яратмоқда.

Марказ томонидан жорий йилда кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида – эскроу тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу, қурилиш соҳасидаги янги инновацион тизим бўлиб, у қурилиш лойиҳалари бўйича молиявий хавфсизликни таъминлаш ва эҳтимолий хатоларнинг олдини олишга йўналтирилган. Бу тизим кўп квартирали уйлар қурилиши жараёнини мониторинг қилиш, харажатлар ва тўловларни тўғри тартибга солиш имконини беради.

Рақамлаштириш қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янги имкониятлар ва самарадорлик яратган муҳим қадамдир. Ушбу жараён орқали аҳоли ва бизнес учун шаффофлик, тезкорлик ва қулайлик таъминланиб, мониторинг ва назоратни юритиш осонлашди. Зеро, рақамлаштириш натижасида ҳужжатларнинг электрон шаклда тизимлаштирилиши ва автоматлаштирилиши, ишларнинг аниқ ва тез бажарилиши туфайли нафақат вақт, балки маблағ ҳам тежалмоқда.

◄1-бет

# Соҳани ривожлантириш истиқболлари



Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, соҳада жорий этилаётган рақамли платформалар билан таништириш, афзалликларини кўрсатиб беришдан иборат. Тадбирни очиб берган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева шундай деди:

– Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўз олдига кўплаб истиқболли режа ҳамда мақсадларни белгилаб олган. Соҳаларни рақамлаштириш жамиятни янада такомиллаштиришда ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қурилиш ва коммунал соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ахборот коммуникация-технологияларини ривожлантириш Республика маркази ташкил этилган. Қурилиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизида кўплаб платформалар ишга туширилган. Улар ёрдамида соҳада янада қулай ва самарали ишлаш тизими шаклланди. Марказ томонидан жорий йилда кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришда – эскроу тизимини жорий этиш режага киритилган.

– “Эскроу” тизими биз ишлаб чиққан тизим эмас, яъни бу дунё тажрибасида бор, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини методологик таъминлаш бўлим бошлиғи Даврон Милиев. – Фарқли томони шундаки, биз жорий қилаётган вариант эскроу тизимининг энг яхши шаклларидан бири бўлади. Россияда 200 мингга яқин харидор уй сотиб олиш учун қурилиш фирмаларига тўлов қилиб, қурилиш битказилмасдан тўловга куйган. Шу сабабли эскроу тизимини жорий қилишган. Аммо бу жараёнда барча маълумотлар ёпиқ ҳолатда ташкил қилинган. Бизда эса бу тизим тўлиқ очиқ-ошкора тарзда фаолият кўрсатади. Шунга қараб инвесторлар қайси компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, сармоя киритиш масаласини кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади. Чет эл тажрибасига қарайдиган бўлсак, тизимнинг тўлақонли қонуний асоси яратилган. Доимий равишда такомиллашиб, ўзгартиришлар киритиб борилган. Ҳозирги кунда тизимнинг ҳуқуқий асосини яратиш устида иш олиб бораяпмиз. Ўйлаймизки, ушбу тизим ривожланаётган давлатлар даражасига бизни бир қадам яқинлаштиради. Тўғри, олдинда қилинадиган ишлар кўп. Биз эса давом этяпмиз, тўхташ ниятимиз ҳам йўқ. Халқимизни ҳам, тадбиркорларни хурсанд қиладиган жараён бўлади, деб умид қиламиз.

Бундан ташқари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси ишлаб чиқилди. Матбуот анжуманида лойиҳани тақдим қилган Дурдона Раҳимова қуйидаги жиҳатларга тўхталиб ўтди:

– Стандартлар асосида янги қурилиш ресурсларини шакллантириш, уларни гуруҳ ва бўлимларга таснифлаган ҳолда ҳар бирининг алоҳида идентификация кодланиши ва номланишини назарда тутувчи нархлар электрон платформаси яратилди. Ҳозирги кунга қадар платформага республика бўйича 1 000 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи тадбиркорнинг 35 000 дан ортиқ маҳсулоти жойлаштирилган. Бу қандай имкониятларни яратади? Масалан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун ягона олди-сотди платформаси ва МДҲ давлатлари ўртасида экспорт-импорт фаолиятини йўлга қўйиш имконини беради. Қолаверса, қурилиш материалларининг экологик тоза позициясидаги, сифат устунлиги таъминланадиган “ЭСО” маркировкали сертификатга эга қурилиш материаллари базасини платформада акс эттириш, ички бозорда экологик маркетингни йўлга қўйиш ҳамда брендга бўлган талаб ва содиқликни оширишга ҳам хизмат қилади. Қисқа қилиб айтганда, бу тизим орқали оддий фуқаро ҳам ўзи қурмоқчи бўлган уйнинг лойиҳавий қийматини шакллантира олади.

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОРТМОҚДА

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Давлат раҳбари қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича берган топшириқларида республикамизда ҳозирга қадар лак-бўёқ, гулқоғоз, ПВХ қувурлар, фитинг ва пол қопламалари, пардозбоп тош, сантехника жиҳозлари импорти ҳажми ортгани таъкидланиб, бу йўналишдаги корхоналар сонини кўпайтириш масаласига урғу берилган. Наманган вилоятида айни йўналишда янги лойиҳалар салмоғи ортмоқда.**



Сўнгги 7 йилда мамлакатамизда қурилиш материаллари соҳасига 9 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 5 мингга яқин корхона ишга туширилди. 94 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 2 баробарга ўсди. Йиллик айланмаси 100 млрд сўмдан ошган корхоналар сони 150 тадан ортди.

Кейинги 5 йилда Наманган вилоятида қурилишлар ҳажми 2 баробарга кўпайиб, 3,5 млн АҚШ долларилик янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳисобига импорт улуши 28 фоиздан 16 фоизга тушди. Қурилиш маҳсулотлари экспорт бозори 6 та давлатга кенгайди. Хорижда эса 10 дан ортиқ савдо уйлари очилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудларда янги тадбиркорлик лойиҳалари, саноат қувватлари ишга тушириляпти. Айни шу ислоҳотлар боис вилоятнинг чекка туманларида ҳам қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига маҳсулот етказиб берувчи корхоналар сони ортяпти. Бу эса ҳудудда саноатни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Янгиқўрғон туманидаги қурилиш маҳсулотлари йўналишидаги ушбу корхонанинг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республика ички бозорида ўз харидорларини топмоқда. Юқори босимга мўлжаллланган канализация ва оқава тармоқларда ишлатиладиган иссиқ ҳамда совуқ сув тармоқларига мўлжалланган полипропилен, полиэтилен, поливленхлорид қувурлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилгач, Бешбулоқ маҳалласидаги кўплаб ёшлар ишли бўлишди.

– Ишлаб чиқариш корхонамизда йилига 150 тонна хом ашёни қайта ишлаб маҳсулот тайёрлаяпмиз. 30 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, маҳаллий аҳоли иш билан таъминланмоқда. Ҳозирда 20 миллиметрдан 300 миллиметргача бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, уларни қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳаракат қиляпмиз. Корхонамизга қуёш панеллари ўрнатганимиз эса ишлаб чиқариш қувватига кетадиган энергиялар таъминлаб беріляпти. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча технологияларни олиб келиб ўрнатишни режалаштирганмиз. Бунда қурилиш маҳсулотларининг янги турларини ўзлаштиришни мақсад қилганмиз, – деди иш юритувчи Шавкат Бурхонов.

Авваллари кўп қаватли уйлар бино ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ирригация тизимида кенг қўлланадиган бу каби маҳсулотларга эҳтиёж катта бўлиб, улар хориждан келтириларди. Эндиликда уларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани истеъмолчилар учун қулай бўлмоқда. Муҳими, маҳаллий ёшлар хориж технологиясини мукаммал ўзлаштирган харидоргир маҳсулотни яратишни уддалашяпти. Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини шакллантириш, янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ҳамда ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи бугунги куннинг устувор вазифаларидан.

# Юксалиш сари дадил одимлар

**Акром НАМОЗОВ,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

**Навоий вилояти ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда навқирон ва кўркам шаҳар намоён бўлади. Дарҳақиқат, шундай. Саноат ривожи ва замонавий шаҳарсозлик асосида барпо этилган иншоотлар вилоят шаҳару қишлоқлари қиёфасига янада кўрк бағишлаган.**

Вилоятимизда амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” Давлат муассасаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг ҳам ўзига яраша меҳнати мужассам, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сонли “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросининг таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан 2024 йил мобайнида барча тизим ташкилотларининг лойиҳа ҳужжатлари тўлиқ “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали экспертизадан ўтказилди. Ушбу тизим орқали Навоий вилояти ҳудудида қиймати 236,8 миллиард сўмлик жами 74 та объект учун ижобий экспертиза хулосалари берилди. Муҳими, янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш объектлари учун берилган экспертиза хулосаларида аҳолининг қулай шароитда яшаши, ўқиши ва ишлашига алоҳида эътибор қаратилди.

Булардан ташқари, бошқарма томонидан 2024 йил мобайнида берилган асосий лойиҳа-смета ҳужжатлари таркибида вилоят ҳудудидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг янгидан қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари учун тайёрланган лойиҳа ҳужжатларига ҳам ижобий экспертиза хулосалари берилган. Хусусан, буларга “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Навоийазот” ва “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ушбу корхоналарда барпо этилиши режалаштирилган объектларда келажакда кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Корхоналардаги мавжуд бино ва иншоотларнинг реконструкция қилиниши ва таъмирланиши натижасида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ошади. Буларнинг барчаси ўз навбатида, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшиши табиий.

Шунингдек, 2024 йилда барча буюртмачилар томонидан тақдим этилган жами 1159 та ҳужжат экспертиза кўригидан ўтказилиб, 4 148,8 миллиард сўмлик лойиҳа кўриб чиқилди. Натижада 104,2 миллиард сўм иқтисод қилишга эришдик. Иқтисод қилинган маблағларнинг асосий қисми қурилиш материалларини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий қурилиш материалларига ўзгартириш ва лойиҳаларда энергия тежовчи материаллар ҳамда қуёш панеллари ўрнатиш орқали амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирда бошқарма ходимлари ўтган йилги фаолиятини давом эттирган ҳолда, вилоят ҳудудидаги янги иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тежамкорлик асосида сифатли тарзда экспертиза кўригидан ўтказиш ишларини амалга ошириб, тараққиёт сари дадил одимламоқда.

# Зафаробод қўрғони тараққиёт ҳудудига айланмоқда




**Нафиса САГАТБАЕВА,** “Навоийуран” ДК “Зафаробод” кон бошқармаси муҳандиси.

**“Навоийуран” давлат корхонаси таркибидаги “Зафаробод” кон бошқармаси 1971 йилда ташкил топган бўлиб, ўша пайтда қўрғончада саноқли турар жойлар ва ишчилар бўлган. Улкан кенгликда ястаниб ётган кичкина посёлкада на бир дарахт, на бир йўл ёки иншоот кўзга кўринмас эди. Бугун эса Зафаробод қўрғони эни ва бўйига қараб кенгайиб бораётган, бир томонда кўп қаватли турар жой бинолари, бир томонда ҳовлилар, хуллас, аҳолининг яшаши учун зарур инфратузилма мужассам ҳудудга айланди.**

Қизилқум чўллари марказида яшнаб турган қўрғон, гарчи қонуний мақомга эга бўлмасада имкониятлари ҳеч бир шаҳардан қолишмайдиган Зафаробод шаҳарчаси замонавий қиёфа касб этиб, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ўтган 2024 йил давомида қўрғончада кўплаб қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу эзгу мақсадга қаратилган ишлар жорий йилда ҳам кенг кўламда давом этмоқда. Хусусан, маҳалланинг замонавий янги қиёфасини яратиш, инфратузилмаларни мустаҳкамлаш, қурилиш, ободонлаштириш, инвестиция киритиш ишлари белгилаб олинган.

– 2005 йилдан буён Зафаробод шаҳарчасида истиқомат қилиб келаман, – деди зафарободлик ўқитувчи Инобат Нурова. – Шу йили кончилар оиласига келин бўлдим. Бу ерга биринчи маротаба келганимда чўл ҳақида эшитиб, “Қаерга боряпман, қанақа шароитда яшайман?” деб роса қўрққанман. Келиб эса ҳайратда қолганман. Ҳамма ер кўм-кўк, барча шароит бор, сув, электр, газ, ҳеч қачон ўчмайди. 2009 йилда мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчи сифатида иш бошладим. Ҳозирда олий тоифали ўқитувчиман. 2024 йилдан бошлаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келяпман. Турмуш ўртоғим “Зафаробод” кон бошқармасида ишлайди. Меҳнат қилсангиз, интилсангиз Зафаробод шаҳарчасида ҳеч қачон хор бўлмайсиз. Қолаверса, “НКМК жамғармаси” ДМга қарашли тиббиёт бўлимида барча қулайликларга эга 5-сонли “Зафаробод” тиббий-санитария қисми аҳолига туну кун хизматда. Мен жуда ҳам бахтлиман, шу шаҳарчада фарзандларим туғилди, ўсаяпти, таълим оляпти, илк фарзандим шу ерда олийгоҳни битирди. Фарзандларим ҳам келажакда Зафаробод қўрғончасини янада тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшишини истайман.

“Навоийуран” давлат корхонасига қарашли “Зафаробод” кон бошқармасида бугунги кунда 25 миллат ва элат вакилларидан иборат 4 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони ва фидойисидир. Маълумот ўрнида айтиш лозим, “Зафаробод” кон бошқармаси 1, 2, 3 ва 4-сонли геотехнологик конлар, таъмирлаш механика цехи, Марказий физик-кимёвий лабораторияси, электр тармоқлари ва подстанциялар цехи, 6-автокорхона каби бўлинмаларидан таркиб топган. Бу конларда иш жараёни кеча-ю кундуз давом этади. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари учун фаровонлик талабларига мос шарт-шароит яратиш ҳар доим бош масала ҳисобланган. Айни пайтда шаҳарча типидаги Зафаробод қўрғонида йўлларни таъмирлаш, қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

– Маҳалламиз 628 та аҳоли, 1738 та хонадон ва 1956 та оиладан иборат, – деди “Зафаробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Жалолов. – Бизнинг маҳаллада барча миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Маҳалламизда ўтган 2024 йилда ҳам, жорий йилда ҳам “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан ҳомийлик асосида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилияпти. Иккита мактаб, битта боғчамиз бор. Келгусида яна 180 ўринли боғча қурилиши режалаштириляпти. Маҳалла биноси 2009 йилда Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан янгитдан қуриб берилган. Президентимиз томонидан “яшил макон” лойиҳаси доирасида ҳудудда 25 гектарлик майдонда боғ яратилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар олдида яшил майдонлар, манзарали дарахтлар кўчатлари ҳам экиляпти. Ҳозирда 100 та хонадондан иборат беш қаватли уйлар қурилган. Жорий йилда яна 100 та оила учун коттеж қурилиши бошланади. Буларнинг барчаси арзон ва имтиёзли шартлар асосида ишчи-ходимларга берилади.

Бугунги кунда Зафаробод қўрғонини янада замонавий қиёфага келтириш, аҳоли дам олиши учун қўшимча имкониятлар яратиш, шунингдек, қўрғон ҳудудидаги ички таъмирталаб йўлларни тўлиқ янгилаш, тунги ёритиш чироқларини алмаштириш, қўрғон атрофида яшил майдонларни кенгайтириш, дарахтларни сақлаш ҳамда парвариш қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш каби қатор ишлар босқичма-босқич амалга ошириляпти.

– Бугунги кунда юртбошимиз бошчилигида мамлакатимиз ҳудудларини обод қилиш, халқимизнинг муносиб турмуш кечириши учун қулай шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, юртдошларимизнинг ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга ишончини янада орттириш борасида барча соҳада кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда, – деди “Навоийуран” давлат корхонаси “Зафаробод” кон бошқармаси лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Сарвар Хожамуратов. – Хусусан, ҳозирда “Навойуран” давлат корхонаси раҳбариятининг ташаббуси билан Қизилқум бағридаги мўъжизавий макон – Зафаробод қўрғонида бошланган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, Янги Ўзбекистон билан ҳамоҳанг тарзда ўзгараётган Янги Зафаробод қиёфасида акс этмоқда. Зафаробод қўрғони аҳолисини муносиб шароитлар билан таъминлаш, шунингдек, ёш-авлод саломатлигига ғамхўрлик қилиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулайлик яратиш мақсадида қўрғондаги 16 ва 28-сонли умумтаълим мактаблари учун сунъий қопламали замонавий стадионлар қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Бундан ташқари, Зафаробод қўрғонидаги кўп қаватли уйларнинг ертўлалари ҳам таъмирланиб, ички йўллар, пиёдалар йўлаклари ва ёритиш тизимлари барпо этилди. Ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш йўлида яна бир нечта лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, қўрғон ички кўчаларини тўлиқ таъмирлаш ҳамда ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, шу асосида турли хил манзарали дарахтлар ўтказиш, томчилаб суғориш тизимини яратиш режалаштирилган. Шодлик кўчасида мусиқали фантан қурилиши кўзда тутилган, воркоут зоналари ташкил этилиб, турли хил томошалар ўтказишга мўлжалланган 400 ўринли амфитеатр қурилиши ҳам режалаштирилмоқда. Замонавий кўриниш ва қулайликларга эга супермаркет ва муз саройи барпо этилиши ҳам мўлжалланяпти.

“Зафаробод” кон бошқармасига шаҳарсоз корхона, деб таъриф беришади. Боиси, Зафаробод қўрғони корхонанинг маркази ҳисобланиб, бу ердаги барча тизим ва тузилмалар фаолияти кон бошқармасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. 1984 йили Зафаробод қўрғони шаҳар туридаги посёлка мақомига ва Зафаробод номига эга бўлган. Дастлаб Зафаробод қўрғонида 83 ўринли ёш мутахассислар учун ётоқхона ишга туширилди. Кейинчалик 42 нафар ёш мутахассис ва уларнинг оила аъзолари учун намунавий уй-жойлар барпо этилди. Ҳудуд аҳолисининг етарли маданий ҳордиқ олишлари учун маданият уйи қурилиб, болалар боғчаси, болалар спорт мажмуаси тўлиқ реконструкция қилинди.

Мустақиллик йилларида саҳро бағридаги бу манзилда ҳам бунёдкорлик шабадалари эса бошлади. 2007 йилдан бошлаб қўрғон чеккасида ишчи-ходимлар учун замонавий лойиҳалар асосида 10 та коттеж уй қурилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари ўтган йиллар давомида бир зум бўлсада тўхтагани йўқ. Аксинча, сўнгги 2-3 йилда янада шиддатли тус олди. Ҳудудда мактабгача ёшдаги болаларнинг қамровини 100 фоизга ошириш мақсадида 300 ўринли болалар боғчаси қурилиши ҳам кўзда тутилган. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд “Ёшлик” сунъий кўлнинг таклиф лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг мақсади – кўл атрофидаги ҳудудни модернизация қилиш ва аҳоли учун дам олиш масканига айлантиришдир. Бунинг учун лойиҳага узунлиги 850 метр бўлган югуриш йўлаги, замонавий ва хавфсиз ўйин жиҳозлари билан жиҳозланган болалар ўйингоҳи, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи воркаут майдончаси, кўл безаги сифатида хизмат қилувчи маяк, дам олиш зоналари, яшил майдон, фаввора, овқатланиш масканларини ташкил этиш киритилган.

Бу эса қўрғон ҳудудининг экологик муҳитини янада яхшилаб, баҳор ва ёз мавсумида аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлайди. Мамлакатимиз иқтисодиётига самарали ҳисса қўшиб келаётган “Навоийуран” давлат корхонаси ишчилари ва аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш мақсадида Зафаробод қўрғонида аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб имтиёзли турда коттежлар қурилиши кўзда тутилган. Юқорида айтилган лойиҳаларнинг кўринишлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари маҳаллий ташкилотлар ҳамда мутахассис раҳбарлар билан келишилган. Ҳозирда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Юртбошимизнинг халқ учун яратиб бераётган имкониятлари асносида Зафаробод қўрғони аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида мана шундай лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар амалга оширилса, Зафаробод имкониятлар шаҳарчасига айланади, десак асло муболаға бўлмайди.

Айни пайтда Зафаробод қўрғони кўчаларида йўлларни таъмирлаш, йўл четидаги эски бетон ариқларни янгисига алмаштириш, мавжуд пиёдалар йўлагини гранит ва асфальт қопламаси билан қоплаш ишлари давом этяпти. Шунингдек, кўча ёриткичларини замонавийларига алмаштириш, пиёдалар йўлаги бўйлаб ўриндиқлар, йўлаклар ва дам олиш жойларини ёритиш учун алоҳида чироқлар ўрнатиш ишларининг биринчи босқичи якунига етказилди. Бундан ташқари, “Навоийуран” давлат корхонаси раҳбарияти кўмаги ва кон бошқарма ишчи-ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан корхона бўлинмалари ва Зафаробод қўрғони маъмурий биноларининг меъморий қиёфасини яхшилаш мақсадида доимий равишда ишлар йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳудуддаги бунёдкорлик ва ободлик ишлари мавсум танламай давом этмоқда. Зафаробод қўрғонидаги ўзига хос сокинлик – атрофни кўп қаватли турар жойлар ўраб олган бўлсада, кўчаларда машиналар қатнови ҳамда шовқини йўқлиги, қандайдир хотиржамлик ҳукм сураётганлигидан дарак беради. Бу, ушбу ҳудудда қалби шукронага тўла одамлар кўплигидан, десак адашмаган бўламиз.

# РАВОН ЙЎЛЛАР – ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Йўллар – манзилларни боғлайди. Узоқни яқин, яқинни узоқ қилиш ҳам айнан юрадиган йўлимиз сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам йўл қуришнинг савоби азалдан қадрланган. Ота-боболаримизнинг “Йўл қурган етар муродга”, деган ҳикмати замирида ҳам ана шундай эзгуликлар мужассам. Кенг ва равон йўллар фурсатни қисқартириб, вақтни тежашдан ташқари, йўловчида хуш кайфият уйғотиб, дилларни чоғлайди. Ён-атрофдаги ободонлаштириш ишлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг сифати эса йўловчию ҳайдовчиларга мамнуният бағишлайди. Шунингдек, йўллар ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожи, аҳоли фаровонлигининг кўзгуси ҳам ҳисобланади.**

Шу боис, сўнгги йилларда республикамизда вилоят ва туманлар марказларини боғловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга иқтисодиётимиз равнақининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бугун Навоий вилоятида ҳам йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Вилоятда кейинги йилларда ҳудуднинг барча тоифадаги автомобиль ва минтақавий таснифдаги йўлларнинг ҳолатини замон талабига мослаштириш, эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларида ҳаракат учун қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу борада ўтган йили вилоятда барча дастурлар доирасида 704,1 километр автомобиль йўллари таъмирланиб, уларда жойлашган 17 дона сунъий (кўприк) иншоот тикланди.

– Бугунги кунда вилоятда жами автомобиль йўллари узунлиги 9 минг 474 километр бўлиб, унинг 4 минг 017 километри умумий фойдаланишдаги йўллар ва 5 минг 457 километри ички йўллар ҳисобланади, – деди вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Алишер Ҳалимов. – Ўтган йилда инвестиция дастури доирасида 3 та объектда 35 километр автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари бажарилди. Шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига биноан, 20,8 километр автомобиль йўллари реконструкция қилиниб, таъмирланди. Шу билан бирга, умумий фойдаланишдаги йўлларни реконструкция қилиш бўйича 8 километр йўллар реконструкция қилинди. 85 погонометрлик кўприк мукаммал таъмирланиб, 4Р57 “Қизилқум ҳалқа” автомобиль йўлининг 0-8 км қисми реконструкция қилинди. Зарафшон дарёси устидан ўтувчи А379 “Навоий – Учқудуқ (Зарафшон шаҳри орқали)” автомобиль йўлининг 2,4 километрида жойлашган 85 погонометрлик кўприк мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Йўллар ҳар бир ҳудуд сайёҳлик жозибадорлигининг гарови бўлиб хизмат қилиши сир эмас. Шу жиҳатдан мазкур йўналишдаги йўлларнинг реконструкция қилиниб, хавфсизлигининг таъминланиши Нурота ва Хатирчи туманларида сайёҳлик оқимининг ошишига хизмат қилмоқда.

– Ўтган йили туризм объектларига олиб борувчи 12,8 километр автомобиль йўллари ва 1 дона кўприк таъмирланди, – деди А. Ҳалимов. – Бундан ташқари, табиий офат оқибатларини бартараф этиш дастури доирасида 7 та объектда 2024 йил ажратилган лимит маблағлар бўйича таъмирлаш ишлари бажарилиб, 3,0 километр автомобиль йўллари ҳамда 1 дона кўприк фойдаланишга топширилди.

Ҳеч кимга сир эмас, ички йўлларни таъмирлаш аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолардан ҳисобланади. Биргина 2024 йилнинг ўзида 287,9 километр, Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 40,2 километр, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан эса 24,8 километр ички йўллар таъмирланди. “Ташаббусли бюджет” дастурининг 1- ва 2-мавсумида 46 та объектда 98,3 километр ички йўллар тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 122 километрдан ортиқ тупроқ йўллар шағал қопламага ўтказилди.



Шунингдек, вилоятда йўл ҳаракати тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш борасида ҳам мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, транспорт ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатини ташкил қилиш учун умумий фойдаланишдаги йўлларга 1 минг 485 та йўл белгиси, 21 дона йўналишларда дастлабки, йўналтирувчи ва масофа кўрсатувчи йўл кўрсаткич, 11 дона светофор, 2 дона йўл кўрсаткичларини акс эттирувчи электрон табло, аҳоли пунктларида йўлларни сунъий ёритиш чироқлари, аҳоли пунктларидаги кесиб ўтиш белгиланмаган жойларда 3 километр узунликдаги пиёдалар ҳаракатини чекловчи панжаралар ўрнатилди. Шунингдек, аҳоли пунктларида пиёдалар учун 32 километр узунликдаги тротуар ва велосипед йўлаклари қурилди.

Албатта, йўл равон бўлса, манзил яқинлашади. Кенг маънода мамлакатимиз тараққиёт йўлини танлаган экан, йўлларимизнинг замон талабларига мослиги кўзлаган марраларга эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, йиллар давомида халқимизнинг орзу-истаклари ифодаси ҳисобланган шаҳарлар ва олис қишлоқлар инфратузилмасининг яхшиланиши, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бу каби бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад, “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (863) 2025 йил 11 февраль

# Ишбилармон меҳнатининг эътирофи



Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Омад ҳақида кўп гапирамиз. Кўпинча эришилаётган ютуқларни омадга боғлаймиз. Аслида, омад инсон ҳаётидаги тасодифий ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолат. Шундай бўлгач, истаймизми, йўқми, кимларнингдир ишларини юришиб кетишини омадга йўйишимиз табиий ҳол.**

Жомбой туманидаги “Bradius LTD” МЧЖ директори Арслон Тошпўлатов ҳам омадли инсон. Омаднинг ўзи уни қидиради, десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки ўз соҳасини пухта билиш, касбга ихлос қўйиш, одамлар билан яхши муносабатда бўлиш каби хислатлар бу раҳбарнинг меҳнатдаги муваффақиятларининг бош омилидир. Шу ўринда, Арслон Тошпўлатовнинг қўли очиқлиги, хайр-саховат бобида чин инсон эканлигини ҳам айтиш лозим. Бундай фазилатли кишига ҳар вақт омад ёр бўлиши шубҳасиз.

У раҳбарлик қиладиган корхона 2021 йилда ташкил этилган. Орадан кўп вақт ўтмай, угра тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда суткасига 4-5 минг дона сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичида эса ичимлик суви қадоқлаш йўлга қўйилди. Бирйўла икки турда – газланган ва газланмаган ичимлик суви тайёрлана бошланди. Бугунги кунда суткасига 2 минг дона атрофида ичимлик суви ишлаб чиқариляпти.

Корхона энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Улар Япония маркаси билан Хитойда ишлаб чиқарилган. Саноат қурилиш банки кредитлари ҳисобига олинган технологиялар баҳоси 1 миллион 200 минг еврони ташкил этади. Корхона ана шу миқдордаги кредит қарзлари тўловини охирига етказиш арафасида. Арслон Тошпўлатовинг ишбилармонлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш йил сайин ошиб боряпти. Доимий иш билан таъминланган ишчилар сони 60 нафардан ортиқ.

Саховатпеша ишбилармоннинг меҳнатлари Жомбой туманидаги “Ширинкент” МФЙ аҳли томонидан эъзозланди. Шу номдаги сайлов округи сайловчилари уни Ўзбекистон либерал демократик партиясидан халқ депутатлари Жомбой туман Кенгаши депутатлигига сайлашди. Депутатлик тадбиркор зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Округ ҳудудидаги саккизта қишлоқ аҳолиси билан эндиликда у депутатлик ваколатини ҳис этган ҳолда учрашадиган, мавжуд муаммолари билан қизиқадиган бўлди. Ҳудудда олти минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг аксарият қисми сайловчилар.

– Маҳалламиз аҳли янги депутатимиз Арслон Тошпўлатовнинг депутатлик фаолиятидан мамнун, – деди “Ширинкент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илғор Аблоқулов. – Эътиборлиси, у ҳудуддаги 3 та мактаб, 2 та МТТ, 1 та ОШПдаги вазиятни яхши билади, округ миқёсидаги муаммолардан хабардор, доимий равишда уларнинг ечими билан шуғулланиш ҳамда сайловчилар ишончини оқлаш ҳаракатида бўлади.

Арслон Тошпўлатов яқинда маҳаллада “Депутат қабулхонаси”ни ташкил этди.

# 14 йиллик тараққиёт ва муваффақият тарихи

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2010 йилда тамал тоши қўйилган “Қораун Иншоот Қурилиш” МЧЖ бугунги кунда юзлаб кишиларни иш билан таъминлаётган, кўп қаватли уйлар қуриш бўйича юксак тажриба тўплаган ташкилотга айланди.**



Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида жойлашган корхона дастлабки фаолиятини мактаб ва боғчаларни таъмирлашдан бошланган. Шу орқали ташкилотнинг иноқ жамоаси қурилиш соҳасида тажриба орттириб, 2016 йилдан эътиборан янги босқичга чиқди – кўп қаватли уйлар қуришга киришди. Биринчи буюртмалар чекланган миқдорда бўлсада, ташкилот тез орада ўз имкониятларини кенгайтирди. Бугунга келиб, йил давомида 8 та кўп қаватли уйга буюртма қабул қиляпти.

– Ташкилотимиз дастлаб 15-20 нафар киши билан иш бошлаган бўлса, ҳозирда бу рақам 250 нафарга етди, – деди корхона раҳбари Музаффар Шойимов. – Уларнинг 108 нафари доимий ва қолгани мавсумий ишчилар ҳисобланади. – Ҳар бир қурилиш нолдан бошланади, сифат ва хавфсизлик талабларига тўлиқ амал қиламиз. Шунинг учун бугунги кунгача муваффақиятли топширилган 14 та кўп қаватли уй ҳеч қандай жиддий камчилик ёки фуқаролар норозилигига учрамаган.

Музаффар Шойимов ўз фаолиятини оддий ишчи сифатида бошлаган. Бир вақтнинг ўзида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ҳозирги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети)да сиртқи таълим олган ҳамда қурилиш соҳасида билим ва кўникмаларини ошириб борган. Унинг айтишича, 2000 йилда илк кичик фирмасини ташкил қилган, 2010 йилда эса “Қораун Иншоот Қурилиш”га асос солган. Қурилишдаги энг муҳим билимларни амакисидан ўрганганини таъкидлайди. Амакиси соҳадаги тажрибаси ва маҳоратлари билан унга илҳом бера олган ҳақиқий устози бўлган.

Бугунги кунда унинг ўзи ҳам устоз сифатида кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар ҳам соҳада ўз йўлини топяпти. Масалан, Азамат Шоиров мустақил равишда “Жасурбек Раҳимберди” қурилиш компаниясини ташкил этиб, кўп қаватли уйлар қуришда давом этяпти. Бу эса “Қораун Иншоот Қурилиш” МЧЖ нафақат мустаҳкам уйлар қуриш, балки янги мутахассислар етиштиришга ҳам ҳисса қўшаётганини англатади.

Ташкилот келажакда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали тендерда қатнашиб, янада кўпроқ буюртмалар олишни режалаштиряпти. Шунингдек, ишчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам корхонанинг устувор вазифалардан бири. Масалан, ички назорат бошқарувчиси Холмурод Тоировнинг ўқиши учун шартнома пулини тўлашда ёрдам берилди. Бу билан унинг ҳам иш билан таъминланиб, ҳам ўқишни давом эттириши учун шароит яратилди.

Бугунги кунда “Қораун Иншоот Қурилиш” нафақат ишончли, балки ишчи ва мутахассислар учун имконият яратувчи муҳим ташкилот ҳисобланади. Қолаверса, сифатли қурилиш ва кучли кадрлар сиёсати орқали бозорда ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга интиляпти. Шаффофлик, юқори сифат ва доимий ривожланиш – бу ташкилотнинг асосий тамойилларидир.

# БЕБАҲО ХАЗИНА МАНБАИ








Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

**Фарғона вилоятида бугунги кунда кутубхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 7 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан шаҳар ва туманларда 18 та ахборот-кутубхона маркази фаолияти йўлга қўйилди.**

Ўтган йили Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази янгидан қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилган.

Бағдод туманидаги янги ахборот-кутубхона маркази эса 1 миллиард 200 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда 1 миллиард 200 миллион сўм “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси маблағлари эвазига қуриб битказилган. Бу ерда 92 минг дона китоб фонди мавжуд бўлиб, бир пайтда 200 нафар фойдаланувчининг маънавий озиқ олишига хизмат қилади. Янги кутубхона китобхонларга қулайлик яратиш мақсадида мебель жиҳозлари ва янги адабиётлар, компьютерлар ва интернет билан таъминланди.

Айни кунда муҳташам 3 қаватли бино бағдодлик китобхонларнинг севимли масканларидан ҳисобланади.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йилнинг 11-13 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Ҳожиакбар Раҳимов,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Лойиҳа қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими бош мутахассиси **Достон Раҳматов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош муҳандиси **Фаррух Тўйчиев,** бош мутахассис **Владимир Вожаков,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа институти ДМ Ҳудудий муҳандислик коммуникациялари бўлими бошлиғи **Жасурхўжа Абдуқодиров,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ АСС-1 муҳандиси **Аъзам Абдужабборов,** архитектор Саида Қурбанова, махсус бўлинма инспектори **Нодира Батирова,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ техник-қурувчи **Баҳром Назиров,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси хизмати бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Борис Дашкевич,**

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сарвар Каримов,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Шоҳрўз Нуруллаев,**

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассислари **Даврон Шербоев, Содиқжон Карванов,**

Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Камол сайёд сервис” БСК МЧЖ бош директори **Найим Камолов,**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Avayxon Obod Group” БСК МЧЖ бош директори **Икромжон Сатторов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 241.
2022 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир –**
Р. Хўжаева.
**Навбатчи –**
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.00.
Топширилди – 22.50.

123456